



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



ИБН СИНО  
ЖАМОАТ ФОНДИ



БУХОРО  
ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ

## ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

мавзусидаги IX Ибн Сино ўқишлари –  
халқаро илмий-амалий анжумани



## ТЕЗИС ВА МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

24-25 ноябр 2017 йил  
Бухоро шаҳри

ОБЩЕСТВЕННЫЙ ФОНД ИБН СИНО  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## **ЦЕННОСТЬ НАУЧНОГО И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ ИБН СИНЫ, ЕГО ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ НАУК**

**IX МЕЖДУНАРОДНЫЕ АВИЦЕННОВСКИЕ ЧТЕНИЯ**

(тезисы и статьи научно-практической конференции)

БУХАРА – 2017

Аллома табибнинг ахлоқий категорияларига сахийлик, чидамлик, камтарлик, севги-мухаббат, мўътадиллик, ақллилик, эҳтиёткорлик қатъиятлик, садоқат, интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади. У тоқат, саховат ва мўътадилликни инсоннинг ҳиссий билимига киритади; чидамлик ақллиликни ғазаб қувватига, донолик эҳтиёткорлик, зийраклик, садоқат, уятчанлик, ижрочилик, ачинишлик, софдиллик ва бошқаларни тафовут қувватига киритади.

Буёқ комусий олим инсоннинг яхши ахлоқий фазилатларига кишиларнинг ёмон хулқ ва ҳатти-ҳаракатларини қарама-қарши қўяди. У инсон қочини керак бўлган нуқсонларга алдаш, нафрат, заифлик, рашк, адоват, ўч олиш, сергаклик, сўқиниш, бўҳтон, бемаънилик, иродасизлик ва бошқа ёмон хислатларни киритади. Ибн Сино фикрига кўра, одамдаги энг катта нуқсон – кишининг юксак фазилати ҳисобланган илмга қарама-қарши турган жоҳилликдир. Унингча, янглишиш – фикр равшанлигига, ахлоқлик – зийракликка, нафрат – севгига, такаббурлик ва шафқатсизлик – адолатга қарши туради. Аллома баён этганидек ахлоқ нормаларини касб этишда одат катта роль ўйнайди. «Ёмон хулқ каби, яхши хулқга ҳам одат туфайли эришилади. Шунини айтиш керакки, биз нимага одатланган бўлсак шу одат туфайли бизда ёмон хулқ пайдо бўлади», -деб таъкидлайди у. Абу Али ибн Сино инсонда яхши фазилатларни шакллантириш учун уни тарбиялаш кераклигини ва бошқаларга бу ишда ёрдам бериш лозимлигини маслаҳат беради.

Олим бу борада жамиятда инсон дўстлиги ва кишиларнинг биргаликда ҳамжиҳатликда яшаши қандай роль ўйнашини кўрсатиб берди. У инсон мунофиқлигига қарши чиқади, юзаки дўстликнинг зарарлигини фош қилиб ташлади, ҳақиқий дўстларни сохта дўстлардан фарқ қилишни маслаҳат берди. «Яхши дўст, - дейди Ибн Сино, – кишининг ҳамма яхши ва ёмон сифатларини акс этувчи ойнадир. Яхши дўст ўз вақтида бутун нуқсонларни кўрсатади, маслаҳати ва ҳатти- ҳаракати билан камчиликларни йўқотишга ёрдам беради».

Ибн Синонинг фикри бўйича ҳамма мавжуд бўлган нарсалар ўзининг табиий моҳияти билан комилликка эришиш учун ҳаракат қиладилар, чунки бу ҳаракатда яхшилик моҳияти қамраб олинган. Яхшилик предмет шаклида намойиш этилган ва у комилликка ҳаммаша интилади. Ёмонлик ва яхшилик нисбий, улар бир-бирига айланиши мумкин. Ёмонлик бу емирилиш ва касалликни билдиради, яхшилик бу таракқиётни ва комилликка эришишни намоён этади. Инсон учун лаззатланиш, Ибн Сино фикри бўйича, бу яхшиликни англаш, аммо азоб-уқубат бу ёмонликни пайқашдир. Иккаласини инсон англаши лозим.

Шарқда табиблар ва уларнинг меҳнатини жуда қадрлашган. Халқ орасида табибларнинг обрўси баланд бўлган. Шунинг учун ҳам халқ қадимдан табибларга ўз баҳосини берган. Мана улардан айримлари: Табибга ўз ишида маҳорат, касаллар ҳолига шафқат керак. Аҳли тиб табиати уйғун ва донишманд, сўзига пайров ва мулозим бўлсин. Сўзида юмшоқлик ва дилжўйлик, ўзида ҳаё ва хушфёъллик бўлсин.

Бундай табибнинг юзи бемор кўнглига севинчлидир ва сўзи касалга ёқимлидир, дами беморларга даво ва қадами хасталарга шифодир.

Агар касбида моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфёъл, бепарво ва кўпол бўлса, гарчи беморга бир тарафданда воқилур. Лекин саводсиз табиб жаллод шогирдидир. У тиг ва захар билан азоблайди.

Билимли шифокорлар ўз халқининг фаҳри ва бахти. Ибн Сино шундай дейди: «Табиб қирғийга хос кўзга, қизларга хос қўлга, илонга хос доноликка ва шоирга хос юракка эга бўлиши керак». Бу исбот талаб қилмайди.

## **“ТИБ ҚОНУНЛАРИ”АСАРИДА ТАБОБАТДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОРЛАРНИ ТўПЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

**Жуманазаров Х.С.**

*ЎзР ФА Тарих институти*

Табобат анъаналари маълум бир халқнинг тўплаган тажрибалари ва синовдан ўтган усуллари орқали авлоддан – авлодга ўтиб келаётган эмпирик билимлар мажмуидир. Халқ табобати анъаналари хасталикни олдини олиш, ташхис қўйиш, турли табиий воситалар ёрдамида дори -малҳам тайёрлаш ҳамда касалликни даволаш каби амалиётлардан иборат. Табобат анъаналарининг ўзига хос томонларидан бири доривор хом-ашёни тўплаш ва улардан керакли дориларни тайёрлашдир. Доришунослик илми табобат анъаналарининг ажралмас қисми бўлиб, тиб илми билан ҳамоҳанг тараққий этган. Халқ табобати таклиф қилаётган дори-дармонларнинг арзонлиги, фойдалилиги билан бир қаторда, замонавий дори-дармонларнинг зарарли окцибатларини кўплиги ҳам оммавий равишда бу турдаги дориларга бўлган талабни оширади.

Халқ табобати асрлар давомида табиий воситалар орқали даволаш усулига таянган. Доривор маҳсулотлар аҳолининг турмуш тарзи, географик жойлашуви, ҳудуднинг иқлими ҳамда флора фаунасига мос равишда турқумланади. Доривор хом-ашёларни йиғиш, қуритиш, сақлаш, улардан дори маҳсулотларини тайёрлаш кўп босқичли амал бўлиб, бу жараён доригар табибдан маҳсус билим ва кўникмани талаб қилади. Бу борада Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида доривор маҳсулотларни тўплаш ҳақида берилган қимматли маълумотлар билан ажралиб туради. Умуман доришуносликда қўлланиладиган табиий

хом – ашёларни шартли равишда қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:

- шифобахш гиёҳлар, ўсимликлар;
- хайвонлар, хашоротлар ва паррандалар;
- турли минераллар.

“Тиб қонунлари” асарида гиёҳларни тўплаш, дорига ишлатиладиган хайвонларни танлаш ва минералларни ажратиш каби масалаларга атрофлича тўхтаб ўтилган. Жумладан, китобда ўсимликлардан олинadиган дорилар ўсимликнинг бутунлигича ёки унинг таркибий қисмларидан: япроқлари, донлари, илдизлари, шоҳлари, гуллари, мевалари ва елимларидан иборат бўлади дейилган. Шунингдек, ўсимликнинг ҳар бир тана аъзосини доривор хом-ашё сифатида етилган даври алоҳида таъкидланган ва шу вақтда уларни йиғиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан:

Япроқлар-ранглари ўзгармаган, синмаган ҳолда тўкилиб сочилмасдан олдин териб олиш керак. Мевалар эса тўлиқ етилиб, тўкилишидан олдин йиғиб олинади. Хаво очик ҳолда йиғиб олинган мева ҳўл ёки ёмғир ёғишга яқин вақтда узилгандан кўра яхшироқ эканлиги келтирилган.

Табобатда қўлланиладиган гиёҳларни ўзи ҳам шартли равишда икки гуруҳга ажратилади:

- *маданый ҳолда ўстириладиган ўсимликлар*: бунга истеъмолчун инсон томонидан етиштирилган ёки инсонларга яқин атрофда мунтазам ўз ҳолича ўсувчи ўсимликларкиради.

- *ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар*: инсон меҳнати натижасида эмас, бевосита табиий равишда ўсувчи гиёҳлар. Табобатда бу турдаги гиёҳларнинг асосан тоғ ва тоғоди ҳудудларда ўсадигани талаб қилинади. Чунки, ҳавонинг тозаллиги, қуёш нуруни яқинлиги каби омиллар гиёҳнинг шифобахшлигини оширади. Ибн Сино ўз асарида - “саҳро (дашт)дан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан терилган дориларга қараганда кучлироқ, тоғлардан терилган дорилар эса саҳродан терилган дорилардан ҳам кучлироқ бўлади” – деган. Шамол бемалол ҳаракат қила оладиган ва баланд жойларда ўсадиган дорилар доим бошқаларга нисбатан кучли ҳисобланган.

Табиблар ёввойи ҳолда учровчи гиёҳларни жамлашга алоҳида эътибор беришади ва мавсумга қараб гиёҳ йиғиш билан шуғулланишган. Илгари гиёҳларни теришда асосан табиб ўз оила аъзолари билан катнашган бўлса, чўпонлар, гиёҳни танийдиган маҳаллий тоғлиқ аҳоли ҳам бу ишларда иштирок этган.

Доришуносликда ўсимлик, гиёҳлардан сўнг хайвон қисмлари энг кўп қўлланилади. Чунки, аксарият гиёҳлар каби парранда ва хайвон аъзоларини топиш имкони мавжуд. Хайвон қисмларидан тайёрланган воситалари қадимдан барча халқлар доришунослигида қўлланилган ҳамда бугунги кунда ҳам дунёнинг турли давлатларида табобат соҳасида ишлатилиб келинмоқда. Юқорида тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўсувчи гиёҳларнинг кучи ҳақида тўхтадик. Хайвонларнинг ҳам тоғли ҳудудда боқилгани, шифобахш гиёҳларни кўпроқ истеъмол қилганлиги сабабли ҳам дори тайёрлаш, ҳам истеъмол учун алоҳида эътироф этилади.

Табобатда қўлланиладиган хайвонларни ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: хонаки ва ёввойи хайвонлар. Ислоҳ таълимоти бўйича эса: ҳалол ва ҳаромга ажратилади. Дори тайёрлашда қўлланиладиган хайвон қисмларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- *тана аъзоларидан фойдаланиш*. Бу турга суяклар, қони, илиги, ёғи, гўшти, шоҳи, ички аъзолари, терси ва х.к. мисол қилиш мумкин. Доришуносликда асосан хайвон, парранда ва хашоротларнинг алоҳида тана аъзолари қўлланилади. Табобатда қадимдан ўсимликларга бўлган муносабат каби, хайвон тана аъзоларини олиш ва сақлаш қоидалари алоҳида эътибор қаратилади.

- *маҳсулотлардан фойдаланиш*. Хайвон маҳсулотлари ҳам тана аъзолари каби дори тайёрлаш ва даволашда кенг қўлланилади. Бу турдаги маҳсулотларга сут ва сут маҳсулотлари, тухум, уруғи, қабилар мисол бўлади. Ўзбек халқ табобатида айрим гиёҳларни дориворлигини сақлаш учун сутда сақлаш ёки сутда қайнатиш усуллари қўлланилса, қатикдан эса ошқозон бузилиш, тери қуйиши, уйқу бузилиш каби ҳолатларда фойдаланилади. Ушбу маҳсулотлар яқка ёки ўзаро араштирилган ҳолда (табобатда хом тухум ва сут арашмаси болалар бўйини ўстириш мақсадида тавсия этилади) ишлатилади.

- *чиқиндилардан фойдаланиш*. Хайвонларнинг ахлати, пешоби, сулаги даволаш ва тозалаш мақсадида турли халқлар табобатида ишлатилади. Бунда аҳолининг машғулоти тури ва ҳудуднинг хайвонот дунёси ва диний қарашлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, чуваш халқлари кучли оғрикни қолдириш мақсадида хайвонларнинг пешобидан, қорин оғриғини даволашда от ахлатидан фойдаланишган. Араблар эса V-VI асрлардаёқ туя пешобини даволашда кенг қўллашган, жумладан бадавий араб аёллари туя пешобидан болаларни тери касалликларидан мудофаза қилиш мақсадида ва безгакни даволаш учун қўллашган. Шарқ табобатида сигир ахлати илон чаққан жойга қўйилса захар таъсирини олди олиниши, от ахлатини тери яраларига қўйилса тез тузалиши каби муолажалар мавжуд. Бу турдаги дорилар аҳоли ўзлари боқадиган чорва молларининг чиқиндиларидан қилинган.

“Тиб қонунлари”да ўсимликлар билан бир қаторда хайвонлардан дори хом – ашёсини олишда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар мавжуд. Унда айтилишича, куклам пайтида ва ёш хайвондан доривор қисмлар олиниши, шунда ҳам танаси соғ ва аъзолари тугалини танлаш керак. Хайвон қисмлари сўйган пайтида олиниши зарур, касалликка чалинган хайвон аъзолари дори сифатида умуман ишлатиш мумкин бўлмаган.

Халқ табобатида дори тайёрлашда қўлланиладиган учинчи восита бу турли минераллар ва табиий

қотишмалардир. Шифобахш гиёҳлар ва хайвон маҳсулотларига нисбатан бу турдаги маҳсулотларни топиш биров мураккаб жараён. Минералларнинг тоғли ҳудудларда мавжудлиги, изловчининг керакли қотишмани яхши билиш, уни олишдаги жисмоний меҳнат ана шу мураккабликни келтириб чиқаради. Шундай бўлсада, қадимдан табобат аҳли бу турдаги маҳсулотни керакли даражада қўллашган. Масалан, шарқ табобатида мумиё, мис купароси, симоб, олтингургурт, азот кислотаси ва ҳар хил минераллар, нашатир спирти кабилардан самарали фойдаланилган.

Ибн Сино ўз асарида минерал моддаларни йиғиш жараёни ва жойи ҳақида алоҳида тўхталган. Унга кўра табобатда қўлланиладиган минераллар асосан тоғ жинслари ва кимёвий бирикмалардан иборат бўлиб, уларни олишда унга бегона нарса арашмаган, тоза бўлиши, яъни фақат моддадан иборат бўлиб, ранги ва мазасини йўқотмаган бўлиши зарур. Минерал ва маъданлардан фойдаланиш усули икки хил: уларни якка ҳолда (туз, кум, ва бошқа минераллар ёрдамида тана қисмларини обзан (ванна) қилиш) ишлатиш ҳамда мураккаб дори тайёрлашда қўллаш. Мураккаб дориларни тайёрлашда табиб турли кимёвий ҳодисалардан хабардор бўлиши, минералларни захрини кесиш йўллари билиши керак.

Сўнги йилларда табобат анъаналари ёрдамида даволаш, дори тайёрлашга бағишланган турли адабиёт, қўлланмаларнинг кўпайиши ҳам ушбу илмга бўлган қизиқишни белгилайди. Лекин амалда хал қилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам талайгина. Биз доривор ҳом-ашёлар миқёсидаги муаммоли масалаларга эътибор қаратамиз.

Биринчидан: табобатда қўлланиладиган турли шифобахш ўсимликлар ҳамда гиёҳларнинг йиғиш жараёнида мавжуд қоидаларга амал қилинмасилги. Ўсимликларнинг йиғиш жараёни пала-партиш ташкил қилиниши (асосан ноқонуний равишда маҳаллий аҳоли томонидан гиёҳ йиғилиши), томири билан юлиб олинниши натижасида гиёҳлар захирасини кескин камайишига олиб келади. Бошқа томондан гиёҳларни йиғиш вақти (қуртақлар-баҳорда, илдизлар-қузда... йиғилиши)га эътибор қаратилмаслиги натижасида ҳам гиёҳларни камайишига ёки олинган гиёҳнинг дориворлик хусусиятини йўқолиши олиб келади. Шу сабабли гиёҳларни тўплаш, қуритиш, сақлаш жараёнини тизимли ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш лозим.

Иккинчидан: хайвон маҳсулотларидан фойдаланишда қонун қоидаларга амал қилинмаслиги. Айрим ноёб хайвонларни ноқонуний тутиш ва ов қилиш, уларни кўпайиш даврида ҳам яширин равишда тутиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Ноқонуний тутилган дашт илонлари ҳамда кўпайиш даврида ушланган балиқлар, қушлар (бедана, каклик...) ва овлаш таъқиқланган хайвон турлари савдоси сақланиб қолмоқда. Бу борада ҳам жазо чораларини кучайтириш ва йўқолиш арафасида турган хайвонот дунёсини мақсадли кўпайтириш ва қўриқлаш ишларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан: мавжуд гиёҳлар ва хайвон аъзоларининг савдоси. Бугунги кунда барча вилоят ва туман бозорларида, сихатгоҳлар яқинида доривор ҳом-ашёлар савдоси мавжуд. Уларнинг аксарияти тиббий билимга эга бўлмаган, фақатгина гиёҳ номи ва қайси хайвоннинг аъзоси эканлигини биладиган маҳаллий аҳоли томонидан ташкил қилинган. Иккинчи томондан уларни сақлашда қоидаларга етарлича амал қилинмаслиги (айримларини қуёш нури тўғри тушишидан сақлаш, айримларини полителен пакетга солинмаслиги, хайвон аъзолари яъни ёғи, гўшти, тана аъзоларини сақлашда гигиена қоидаларига амал қилмаслик) кузатилади. Бу жараёнлар табиий дориларнинг кучини пасайиши ва айрим ҳолларда соғлиқ учун нохуш ҳолатларга олиб келади.

Тўртинчидан: айрим аҳоли қатламнинг етарли тиббий билимга эга бўлмасдан табиий воситалардан кўр-кўрона фойдаланиши. Табобатда ҳар бир беморга алоҳида ёндашилади ва дори буюришда ҳам шунга амал қилинади. Яъни, бир инсон маълум гиёҳни ёки мураккаб табиий дорини қабул қилиш натижасида фойда кўриши, бошқага ҳам бир хил таъсир қилади дегани эмас. Жумладан, табиатан шифобахш бўлган эчки сути ҳаммага турлича таъсир қилади. Бунда инсоннинг ёши, яшаш муҳити, илгари шу турдаги маҳсулотни қабул қилган-қилмагани муҳим. Бу борада малакали табибдан тавсия олиш талаб этилади.

Табиий воситаларни йиғиш сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш борасида Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари назарий ва амалий жиҳатлари билан ажралиб туради. Асарда табобатда ишлатиладиган дориворларни йиғиш қоидалари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган. Ушбу асарни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган табобат анъаналарини, жумладан доришунослик илмини шакллантиришда асосий дастурамал бўлиб хизмат қилади. Чунки ушбу асарда келтирилган маҳсулотларнинг аксарияти маҳаллий ҳудудга тегишли. Халқ табобатининг этноҳудудий хусусияти қоидасида ҳар қандай касалликка ўша ҳудудда мавжуд бўлган дориворлар бирламчи восита сифатида қўлланилиши керак дейилган. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ушбу асар халқ табобатининг тажриба йўли билан тўпланган, инсонларнинг табиат билан муносабатга киришиши натижасида юзага келган эмпирик қарашларнинг илмий жиҳатдан исботланган асосини ўзда мужассам этган.

Хаимов М. АБУ АЛИ ИБН СИНА, САХАРНИЙ ДИАБЕТ И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ В ПОДХОДЕ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ДИАБЕТА БЕРЕМЕННЫХ .....	65
Хайруллаев Р.Ч., Гафаров Ш.С., Азимов С.И. СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОЛЛАРДА ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	66
Hamidov B.A. IBN SINO MEROSINING JIGAR KASALLIKLARINI DAVOLASHDAGI O'RNI.....	66
Хожиматов Х.О. ИБН СИНО ТАЪЛУМОТИДА СИЛ КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ .....	67
Хонназаров Р.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИГА АСОСЛАНГАН ИНТЕГРАЦИЯ- ЛАШГАН МЕДИЦИНАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	68
Шайхова Г.И., Отажонов И.О., Алимухамедов Д.Ш., Эрматов Н.Ж. МАЛОБЕЛКОВАЯ ДИЕТА ДЛЯ БОЛЬНЫХ, СТРАДАЮЩИХ ХРОНИЧЕСКОЙ ПОЧЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ .....	70
Shamsiyev N.A., Xudoyberdiyeva S.A. ABU ALI IBN SINO SUYAKLAR ANATOMIYASIGA QO'SHGAN HISSASI .....	71
Шамсутдинов А.С., Наврузова Ш.И., Шамсутдинова Н.А. ВКЛАД АВИЦЕННЫ В ПЕДИАТРИИ.....	71
Шожалилова М.С., Қосимов И.А., Осипова Е.М., Шарапова Г.М. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИБН СИНО АМАЛИЙ МЕРОСИННИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	72
Qobilov A.M., Jumaqulova N. ABU ALI IBN SINO ICHKI A'ZOLAR ANATOMIYASIGA QO'SHGAN HISSASI .....	74
Ҳазратов Ў.Ҳ. РЕСПИРАТОР ТИЗИМИ ХАСТАЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ИБН СИНОНИНГ ФИКРЛАРИ.....	74
Якубова М.Ж., Солихов М.У., Якубова Ф.К. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СУТОЧНЫХ ЭНЕРГОЗАТРАТ, РАСЧИТАННЫХ РАЗЛИЧНЫМИ ФОРМУЛАМИ .....	75

### **ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАРИНИНГ ҲАЛҚ ТАБОБАТИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

#### **РОЛЬ И МЕСТО НАУЧНЫХ РАБОТ ИБН СИНЫ В РАЗВИТИИ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ**

Абдувалиев А.А., Шинтаев Ш.М., Абдувалиев Д.А., Абдувалиева Г.А. ТЕОРИЯ «МИЗАДЖ» АБУ АЛИ ИБН СИНЫ И ИНДИВИДУАЛЬНЫЕ ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗМА .....	79
Абдубаев А.С. ЗУЛУК БИЛАН ДАВОЛАШ .....	79
Арашова Г.А., Жумаев М.М., Киличова В.А. ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРДА ОШҚОВОҚ УРУҒИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ .....	81
Арашова Г.А., Атаева М.А. ИБН СИНО ТАБИБЛИК АХЛОҚИ ХУСУСИДА .....	81
Жуманазаров Х.С. “ТИБ ҚОНУНЛАРИ” АСАРИДА ТАБОБАТДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИБОРЛАРНИ ТЎПЛАШ АНЪАНАЛАРИ.....	82
Исмоилов И. КЛЕВЕР .....	85
Ихтиярова Г.А., Ҳазратова Д.А., Хикмотова Х. ХИТОЗАН ПОЛУЧЕННЫЙ ИЗ ПЧЕЛИНОГО ПОДМОРА .....	87
Нарзиев Ш.С., Ҳабибова Г.Ў., Шодиева Д. АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ПУЛЬС ТЎҒРИСИДА ҚАРАШЛАРИ.....	87
Narzulloyeva N.S., Navruzova N.O., Tosheva I.I. IBN SINO TA'LIMOTIDA ISIRIQ MO'LIZASI .....	88
Олимов С.Ш., Эронов Ё.Қ., Шодмонов К.Э. БОЛАЛАР ЁШИДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ҲАЛҚ ТАБОБАТИ РЕЦЕПТЛАРИ ЁРДАМИДА ДАВОЛАШНИНГ САМАРАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ....	88
Паттахова М. Х. ВЛИЯНИЕ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА .....	89
Ташходжаева П.Б. МЎЙНИ ҚОРАЙТИРАДИГАН ДОРИЛАР .....	91
Эхсонова Ф. Т. АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТИББИЙ РИСОЛАЛАРИ ҲАҚИДА.....	92

#### **ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИННИНГ ФАРМАЦИЯ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА МОХИЯТИ РОЛЬ И ВЛИЯНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ИБН СИНЫ НА РАЗВИТИЕ ФАРМАЦИИ**

Абдуллабекова В.Н., Жураева А.А., Мелиев А.А. ИЗУЧЕНИЕ ФЕНОЛЬНОГО СОСТАВА ЖИДКОГО ЭКСТРАКТА ИЗ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ ФЛОРЫ УЗБЕКИСТАНА МЕТОДОМ ТСХ .....	94
Абдуразакова Н.А., Саидвалиев А.К. ПОЛУЧЕНИЕ И АНАЛИЗ ГУСТОГО ЭКСТРАКТА РЕДЬКИ ПОСЕВНОЙ .....	94
Абдурахмонова Н.А., Ибрагимов А.Я., Ғаниев А.Қ. “ТИБ ҚОНУНЛАРИ” АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ДОРИБОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ ҚОЙДАЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ.....	96
Алиходжаева М.И., Рихсибаева М.О. СИСТЕМАТИЗАЦИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ ПРИВЕДЕННЫХ В «КАНОНЕ» ИБН СИНО ПО ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИМ СВОЙСТВАМ .....	97
Аминов С.Н., Салиева Л.М., Салихов Ф.Д. МУМИЁНИ ТОЗАЛАШ ВА ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	98
Арипова Н.Б. КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИРИДОИДОВ В ТРАВЕ ПУСТЫРНИКА ТУРКЕСТАНСКОГО .....	98
Атамуратова Н.Т., Юлчиева М.Т., Латипова Э.А. АБУ АЛИ ИБН СИНО ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛГАН LAMIASEAE ОИЛАСИГА МАНСУБ ДОРИБОР ЎСИМЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ .....	99